VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 39 866 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 24 237 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 60,8 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 62,3 фоизи), савдо (9,3 фоизи), саноат (7,2 фоизи) ва қурилиш (4,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

(2019 йил 1 октябрь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		*Фаолият кўрсатаётган*	
	бирлик	*жамига нисбатан фоизда*	*бирлик*	*жамига нисбатан фоизда*
Жами	**39 866**	**100,0**	**24 237**	**100,0**
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	24 834	62,3	9 847	40,6
саноат	2 864	7,2	2 738	11,3
қурилиш	1 822	4,6	1 764	7,3
савдо	3 688	9,3	3 508	14,5
ташиш ва сақлаш	602	1,5	576	2,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 137	2,9	1 077	4,4
ахборот ва алоқа	198	0,5	180	0,7
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	248	0,6	244	1,0
бошқа фаолият турлари	4 473	11,1	4 303	17,8

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 17 651 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 16 863 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,5 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 20,9 фоизи), саноат (16,2 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (14,8 фоизи) ва қурилиш (10,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

(2019 йил 1 октябрь ҳолатига фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	Рўйхатга олинган		*Фаолият кўрсатаётган*	
	бирлик	*жамига нисбатан фоизда*	*бирлик*	*жамига нисбатан фоизда*
Жами	**17 651**	**100,0**	**16 863**	**100,0**
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 619	14,8	2 473	14,7
саноат	2 864	16,2	2 738	16,2
қурилиш	1 822	10,3	1 764	10,5
савдо	3 688	20,9	3 508	20,8
ташиш ва сақлаш	602	3,4	576	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 137	6,4	1 077	6,4
ахборот ва алоқа	198	1,1	180	1,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	248	1,4	244	1,4
бошқа фаолият турлари	4 473	25,5	4 303	25,5

Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши
(2019 йил 1 октябрь ҳолатига, бирлик)

	2019 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган	*2019 йил давомида*	
		янги ташкил топган	*тугатилган*
Жиззах вилояти	**39 866**	**4 047**	**730**
шаҳар:			
Жиззах	5 536	941	80
туманлар:			
Арнасой	2 757	191	37
Бахмал	3 287	181	21
Ғаллаорол	4 849	288	29
Шароф Рашидов	5 882	649	42
Дўстлик	1 718	158	106
Зомин	4 005	380	29
Зарбдор	2 850	440	72
Зафаробод	1 951	114	116
Мирзачўл	1 993	235	14
Пахтакор	1 821	152	45
Фориш	2 357	224	85
Янгиобод	860	94	54

2019 йилнинг январь – сентябрда жами 4 047 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 3 863 та). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 941 та 23,3 фоизи), Шароф Рашидов тумани (649 та 16,0 фоизи), Зарбдор тумани (440 та 10,9 фоизи)ларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)

	2019 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган	*2019 йил давомида*	
		янги ташкил топган	*тугатилган*
Жиззах вилояти	**17 651**	**3 125**	**484**
шаҳар:			
Жиззах	5 436	934	80
туманлар:			
Арнасой	549	109	14
Бахмал	1 009	142	19
Ғаллаорол	1 348	240	28
Шароф Рашидов	2 914	547	30
Дўстлик	698	126	57
Зомин	1 444	267	29
Зарбдор	794	148	55
Зафаробод	493	75	12
Мирзачўл	637	114	13
Пахтакор	715	130	42
Фориш	1 223	216	78
Янгиобод	391	77	27

2019 йилнинг январь – сентябрь ҳолатига (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) жами – 3 125 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 2 941 та). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 934 та 29,9 фоизи), Шароф Рашидов тумани (547 та 17,5 фоизи), Зомин тумани (267 та 8,5 фоизи)ларига тўғри келади.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига – 14 428 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхона – 4 526 та, оилавий корхона – 755 та, масъулияти чекланган жамият – 8788 та, акционерлик жамияти – 19 тани ташкил этади.

Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича сони, бирликда
(1 октябрь ҳолатига)



2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига жами 3 125 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 2 941 та). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 29,9 фоизи), Шароф Рашидов (17,5 фоизи), Зомин (8,5 фоизи) ва Ғаллаорол (7,7 фоизи) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 30,5 фоизи савдо, 21,1 фоизи саноат ва 14,9 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 484 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 194 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 40,1 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитали иштирокидаги корхоналар. 2019 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 179 тани ташкил этди.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига хорижий капитал иштирокида 179 та корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, бу корхона ва ташкилотларнинг енг юқориси Жиззах шаҳри (75 та), Фориш (19 та), Ғаллаорол ва Зомин (14 та), Шароф Рашидов (13 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Нисбатан камлари Мирзачўл (1 та), Зарбдор (3 та) ҳамда Дўстлик туманларида (4 та) тўғри келади.

Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони, бирликда

Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 118 таси қўшма корхоналар, 61 таси еса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 54 тани ташкил этди. Бунда, Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида 23 та, Россия Федерацияси – 14 та, Туркия Республикаси – 6 та, Қозоғистон Республикаси 3 та, Корея Республикаси – 1 та ва бошқа давлатлар капитали иштирокида 7 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар

(2019 йил 1 октябрь ҳолатига, бирлик)

	2019 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатаёт-ганлар сони	*шундан*	
		қўшма корхона	*хорижий корхона*
Жиззах вилояти	**179**	**118**	**61**
шаҳар:			
Жиззах	75	56	19
туманлар:			
Арнасой	8	6	2
Бахмал	5	3	2
Ғаллаорол	14	10	4
Шароф Рашидов	13	5	8
Дўстлик	4	2	2
Зомин	14	7	7
Зарбдор	3	3	-
Зафаробод	6	1	5
Мирзачўл	1	1	-
Пахтакор	8	7	1
Фориш	19	14	5
Янгиобод	9	3	6

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши
2019 йил 1 октябрь ҳолатига

	Корхоналар сони, бирлик	*жамига нисбатан, %да*
Жами	**179**	**100,0**
шу жумладан:		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	28	15,6
Саноат	101	56,4
Қурилиш	9	5,0
Савдо	22	12,3
Ташиш ва сақлаш	5	2,8
Яшаш ва овқатланиш	5	2,8
Ахборот ва алоқа	3	1,7
Бошқа фаолият турлари	6	3,4

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 179 та корхонанинг 101 таси (56,4 фоизи) – саноат, 28 таси (15,6 фоизи) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 22 та (12,3 фоизи) – савдо, 9 та (5,0 фоизи) қурилиш, 5 та (2,8 фоизи) – яшаш ва овқатланиш, 5 та (2,8 фоизи) ташиш ва сақлаш, 3 та (1,7 фоизи) – ахборот ва алоқа ҳамда 6 та (3,4 фоизи) бошқа соҳасига тўғри келади.

Кичик корхона ва микрофирмалар сони

2019 йил 1 октябрь ҳолатига Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 13 698 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2018 йил 1 октябрь ҳолатига қараганда 27,2 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 4 457 таси (32,5 %) Жиззах шаҳрига, 2 490 таси (18,2 %) Шароф Рашидов, 1 067 таси (7,8 %) Ғаллаорол ҳамда Зомин туманлари 1 056 таси (7,7 %) ҳиссаларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг худудлар кесимида жамидаги улуши

(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар ҳудудлар кесимида, бирликда



Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 13 698 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 3 498 та (25,5 %) – савдо, 2 716 та (19,8 %) – саноат, 2 435 та (17,8 %) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1 761 та (12,9 %) – қурилишда, 1 073 таси (7,8 %) – яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси, 573 таси (4,2 %) – ташиш ва сақлаш, 162 таси (1,2 %) – ахборот ва алоқа соҳаси, 162 таси (1,2 %) – соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шунингдек 1 318 таси (9,6 %) – бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми савдо ва саноатга фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолияти турлари буйича улуши, %

2019 йил январь-сентябрь ойлари ҳолатига 2 941 та кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса 2018 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда 63,0 мартага кўпдир. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Жиззах шаҳрида (893 та), Шароф Рашидов (511 та), Зомин (261 та) ва Ғаллаорол (229 та) туманларида ташкил этилган. Энг кам Янгиобод (66 та), Зафаробод (68 та), Арнасой ҳамда Мирзачўл (104 та) туманларида ташкил этилган.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида эса энг кўпи савдо (953 та), саноат (658 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (464 та), қурилиш соҳасида (385 та) ва яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 142 та ташкил этилган. Энг кам эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўсатиш (30 та), ахборот ва алоқа (38 та), ҳамда ташиш ва сақлашда (85 та) ташкил этилган.

Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатдан ўтган оиловий корхоналар сони 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 755 тани ташкил этди, улардан 717 таси ёки 95,5 % фаолият юритмоқда.

Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда оилавий корхоналарнинг 43,4 % ёки 311 таси саноат, 20,5 % ёки 147 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 14,8 % ёки 106 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 12,7 % ёки 91 таси савдо, 0,7 % ёки 5 таси қурилиш, 0,3 % ёки 2 таси ахборот ва алоқа, 0,3 % ёки 2 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 0,1 % ёки 1 таси ташиш ва сақлаш ҳамда 7,2 % ёки 52 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.